

Турли муносабатларга оид зикрлар

Image not found or type unknown



13:00 / 13.12.2018 3769

(давоми)

Тонг отганда ва кеч кирганда қуйидаги дуони ҳам ўқийди:

لَا اِقْوَمَ «لَا اِقْوَمَ لَسُو هِي لَعْلَلَا يَصْرِي بِنَلَا عَ، هِي بَأَنَعِ، نَأْمُ تُعْرَبُ نَأَبَأَنَعِ
عَ، أَمَّ سَلَا فِي الْوَضْرَأَلَا فِي فُؤَيْ شِ وَمَسَا عَمُ رُضَايَا لَهْلَلَا مَسَبُ: حُبُّ صِي نَح
مَلِي سُمِّي نَحَاهَلَا قَوْمًا بَأَلْبُؤَاجَ فِ وَمَوِي فِي هُؤُ بَصِي مَلِي، مَلِي لَعْلَلَا عَمَّ سَلَا وَوُ
«بَأَلْبُؤَاجَ فِ وَتَلِي لِي فِي هُؤُ بَصِي: نِي عِي».

Абон ибн Усмондан, у отаси розияллоху анхудан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

**«Ким тонг оттирган чоғи «Бисмиллаҳиллази лаа ядурру маъа
исмиҳи шайъун фил арди ва лаа фис самааи ва ҳувас-самийъул-**

«Киши уйдан чиқаётганда «Бисмиллаҳи, таваккалту ʔалаллооҳи, ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳи», деса, ўша пайтда унга: «Ҳидоят қилиндинг, кифоя қилиндинг ва сақлан-динг», дейилади. Шайтон ундан четланади. Бошқа бир шайтон унга: «Ҳидоят қилинган, кифоя қилинган ва сақланган одамга нима ҳам қила олардинг?» дейди».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳнинг исми билан. Аллоҳга таваккул қилдим. Ҳол ва қувват фақат Аллоҳ биландир».

Йўлда виқор билан, шошилмай юради ва қуйидаги ҳадисда келган дуони ўқиб кетади:

قَحَبَ كُتْلَ اسَا يِّنِ اِنَّمُ لَلِ اِلَهَ الصَّلَاةِ اِلَى اَجْرَ اذِلَاقِ نَمَ : لَاقِ تِ دِي غَس ي بَا نَع
رَفْعَتِ نَّوْ اَوَّ اِي رِ اَلِ وَا رَطْبِ اَلِ وَا رَشْ اُجْحَ اَمَلْ ، اَدَهَ يَ اَشْمَمَ قَحَبَ وَا ، كَيْ لَعَنِي لِي اَسَلِ
رَفْعَتِ نَّوْ اَوَّ اِي رِ اَلِ وَا رَطْبِ اَلِ وَا رَشْ اُجْحَ اَمَلْ ، اَدَهَ يَ اَشْمَمَ قَحَبَ وَا ، كَيْ لَعَنِي لِي اَسَلِ
رَفْعَتِ نَّوْ اَوَّ اِي رِ اَلِ وَا رَطْبِ اَلِ وَا رَشْ اُجْحَ اَمَلْ ، اَدَهَ يَ اَشْمَمَ قَحَبَ وَا ، كَيْ لَعَنِي لِي اَسَلِ
رَفْعَتِ نَّوْ اَوَّ اِي رِ اَلِ وَا رَطْبِ اَلِ وَا رَشْ اُجْحَ اَمَلْ ، اَدَهَ يَ اَشْمَمَ قَحَبَ وَا ، كَيْ لَعَنِي لِي اَسَلِ

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ким намозга чиққанида «Аллоҳумма! Инни ас-алука би ҳаққис-сааилийна ʔалайка ва биҳаққи мамшаайа ҳааза. Лам ахруж аширон ва лаа батирон ва лаа рийа-ан ва лаа сумъатан. Хорожту ибтиғоо мардотика ва иттиқоо сахотика. Асалука ан тунқизани минан-наари. Ва ан тағфиरो лии зунубии ва лаа тағфируз-зунууба иллаа анта», деса, то у туриб кетгунича Аллоҳ унга юзланур ва унга истиғфор айтгани етмиш минг фариштани вакил қилур».

Ибн Аби Шайба ривоят қилган.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳим! Сендан сўровчиларнинг ҳаққи ила, ушбу юришим ҳаққи ила сўрайман. Мен манманлик ва такаббур, риё ва хўжақўрсин учун чиққаним йўқ. Розилигингни тилаб ва ғазабингдан қўрқиб чиқдим. Мени дўзахдан озод қилишингни ва гуноҳларимни мағфират этишингни сўрайман. Албатта, гуноҳларни Сендан ўзга мағфират қилмас».

“Нақшбандия: вазифалар, зикрлар” китобидан